# КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг

## Краснодар ўлкаси партия активлари билан учрашувда сўзлаган нутқи

(Боши биринчи бетда).

Мамлакат меҳнат коллективларида: энг катта қийинчиликлар ўн иккинчи беш йилликка тўғри келади, деган тушунча пишиб етилмоқда. Шу йилларда, ҳаракатни тўхтатмай, биз белгилаган социал-иқтисодий ва маданий қурилиш режаларини рўёбга чиқаришни орқага сурмай, келажак учун замин яратиш, тафаккурда, ёндашувларда, ҳамма ишларимизда туб бурилишни таъминлаш керак. Партиямиз зиммасига, бутун жамиятимиз зиммасига мана шундай масъулиятли вазифа тушмоқда. Бундай қилиш қийин, ўртоқлар. Эҳтимолки, ҳаддан ташқари қийин, аммо уни қилиш зарур.

Бугун биз мамлакат афкор оммаси таклиф этилган йўлни ўз йўли, деб қабул қилди ва шу қўллаб-қувватлаш ва маъқуллаш ўртоқларнинг шу ердаги нутқларида ҳам янгради, деб айта оламиз.

Совет кишиларининг жуда кўпчилиги кечаги ютуқлар билан қаноатланиб қолишни хоҳламайди, эскича яшашни хоҳламайди, камчиликларга, салбий ҳодисаларга тоқат қилишни хоҳламайди. Кечаги турмуш айрим кишиларга маъқул эди, айрим кишилар бор нарсаларнинг ўзига қаноат қилар эди. Аммо умуман, жамият қайта қуришга, ўзгартишларга ва яхшилик сари ўзгаришларга эришишга қаттиқ бел боғлаган.

Бироқ қайта қуриш муносабати билан хавфсираётган кишилар ҳам бор. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси буни билади. Очиғини айтсам, бундайлар бизни чўчитмайди. Бунинг устига, агар ҳамма иш силлиққина, ҳамирдан қил суғиргандек юришиб кетганида, бу нарса бизни хавотирликка солиши ва ишончсизлик туғдириши мумкин бўлур эди, ўртоқлар. Ўшанда биз: хўш, нима гап ўзи? Чамаси биз ишнинг моҳиятига етиб бора олмадик? Нега бундай бўлди? — деб дарров ўйлаб қолишимиз керак бўлур эди. Чунки биз турмушнинг ҳамма соҳаларида туб ўзгартишларни амалга оширишни ўйлаб қўйганмиз. Мен бу ўзгаришларни моҳият эътибори билан революцион иш деб атадим. Мутлақо равшанки, шу тариқа мазкур ўзгаришлар чоғида меҳнат коллективларининг ҳам, оилаларнинг ҳам манфаатлари, аҳволи, позициялари, тақдирига, маҳаллий партия, совет, хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг ишига, мамлакат давлат ҳокимияти барча эшелонларининг фаолиятига дахлдор масалалар ҳал қилинади.

Ҳали қайта қуришдан четда турган, буларнинг ҳаммасидан бирор нарса чиқармикан, кўрамиз, деган мулоҳаза билан кутиб турган кишиларга, албатта, бу ишлардан натижа чиқади, деб айтмоқчиман ва сизлар мени қувватлашларингизга ишонаман. Партия билан халқнинг бирлиги — бунинг гаровидир. Ҳозир бу бирлик яққол кўриниб турибди.

Жамиятимизни, жамиятнинг ҳамма соҳаларини сифат жиҳатдан янгилаш йўлидаги ҳаракат муқаррарлигига КПСС Марказий Комитетининг ишончи комил.

Бугун биз Октябрь майдонида меҳнаткашлар билан суҳбатлашдик. У ерда бўлган суҳбат Октябрь номига муносибдир. Янада зўр қатъият, янада активлик, ғайрат билан ҳаракат қилиш керак, деган истак билдирилди. Биз буни шундай тушунамиз: халқимиз жамиятда бошланган ўзгаришлардан ва уни давом эттиришдан манфаатдордир. Башарти совет кишилари Марказий Комитетнинг, ҳукуматнинг ярим йўлда, чала-чулпа чоралар билан тўхтаб қолганликларини, бунинг устига мана шу жуда муҳим аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишда қандайдир кампания билан чекланганликларини пайқаб қолсалар, бу нарса жамиятнинг ҳафсаласини пир қилган бўлур эди. Ҳозир халқимиз партиянинг даъватларига бажонидил лаббай, деб жавоб берди, ҳозирги сиёсатимизни кўкрак кериб ҳимоя қилмоқда, энг муҳими мана шу, ўртоқлар. Бу — биз тўғри йўлдан бораётганлигимизнинг ва бизнинг ишимиз, албатта муваффақият билан тугалланишининг энг муҳим шартидир.

Қайта қуриш нималигини яхши тушуниб турган кишилар ҳам оз эмаслигини вақт кўрсатди. Аммо қайта қуришнинг натижалари қандай бўлишини англасалар-да, бу кишилар уни қабул этмаяптилар. Қайта қуриш уларга маъқул келмаяпти.

Биз бу кишиларни биламиз. Улар жамиятга қамроқ фойда келтириб, ундан кўпроқ манфаат олиш истагидаги кимсалардир. Ҳолбуки биз неча йиллардан бери шундай кимсалар ҳақида гапириб келдик ва фақат эндигина уларга ҳақиқий талаблар қўйишга киришдик. Бундай кишилар ишчилар, деҳқонлар орасида ҳам, раҳбар ходимлар, аппарат ходимлари орасида ҳам бор. Бундайлар зиёлиларимиз орасида ҳам топилади.

Уларнинг кўплари ўзгариб бораётган вазиятга тез мослашиб ола биладилар. Булар қобилиятли, ҳатто эпчил кишилардир. Уларнинг фикри-зикри — умрини яшаб бўлган эски тартибни сақлаб қолишга, гарчи бизнинг принципларимиз, қонунларимиз, ахлоқимизга ва ҳозирги сиёсатимизга мос келмаса ҳам, ўз имтиёзларини сақлаб қолишга қаратилган.

Ҳозир улар ҳамма минбарлардан қайта қуриш ҳақида ҳаммадан кўра баландроқ овоз билан бақираётганликларини, аммо амалда қайта қуришга ҳар қандай, шу жумладан, жуда салобатли баҳоналар билан ҳам тўсқинлик қилаётганликларини кўриб турибмиз. Бу ҳақда гапираётганимнинг сабаби шуки, улар — мана шу кишилар билиб қўйсинлар: меҳнаткашлар ҳамма нарсани кўрадилар ва ҳаммага қилмишига яраша баҳо берадилар. Баъзи кишиларга — ҳозир, бошқаларга — кейинроқ баҳо берадилар. Биз бу кишиларни жамоат таъсир кучи билан партия съезди қарорларини амалга ошириш йўлидаги умумхалқ курашига қўшиб олишимиз керак.

Бундай ҳодисаларга эътиборсизлик билан қарамаймиз, уларни бўрттириб ҳам юбормаймиз. Бу — совет жамиятини янгилаш йўлидаги курашнинг табиий жараёнидир. Биз социализм учун курашнинг катта тажрибасига эгамиз, шу сабабли биз тарихнинг туб бурилиш пайтларида ҳатто ишимизга садоқатли кишилар ҳам янги шароитларни, янги вазифаларни, янги ёндашувлар зарурлигини дарров идрок қилиб олмаган пайтлар бўлганлигини биламиз. НЭП даврида шундай бўлган эди, ўшанда В. И. Ленинга янги иқтисодий сиёсатнинг зарурлигини ҳам, бу — капитализмга қайтиш эмас, балки социалистик қурилишга ўтиш усули эканини ҳам исботлаб бериш учун кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келган эди.

Биз бошқа даврда яшаб турибмиз, биз ўз режаларимизни бошқа тарихий шароитларда ишлаб чиқиб, амалга оширяпмиз, албатта. Аммо қайта қуришни ташкил этишда Ленин сабоқларидан фойдаланишимиз мумкин ва лозим.

Яна бир бор айтмоқчиман: тўғри йўлдан бораётганимизга КПСС Марказий Комитетининг ишончи комил. Жадаллаштириш, қайта қуриш йўлини қатъият билан изчил ўтказаверамиз.

Қайта қуриш жараёнида жамиятимиз мустаҳкамланади, биз янги шароитларда ишлаш, янги вазифаларни ҳал этиш тажрибаси ва маҳоратини ўрганамиз. Энди биз кечаги, айниқса бир йил аввалги кишилар эмасмиз. Ой сайин, кун сайин тажрибамиз, маҳоратимиз ошиб бораверади, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг ошиб бораётган вазифаларини ҳал этиш қобилиятимиз тобора кучайиб бораверади.

Яқинда мен «Литературная газета»да таниқли драматург Александр Гельманнинг ҳозирги давр тўғрисидаги мақоласини мароқ билан ўқиб чиқдим. У ўз мулоҳазаларини қандай сўзлар билан тугаллаганини сизларга айтиб бермоқчиман: хўш ўзи нима ўзгарди, қани ўзгартишлар? Нечундир мен катта ўзгаришларни кўрмаяпман, деб калондимоғлик билан сўрамаслик керак. Қайта қуриш муқаррар тус олиши учун ишлаш, меҳнат қилиш керак. Дарҳақиқат, шундай, ўртоқлар, мен бу сўзларга тўла-тўкис қўшиламан.

Экономика сингари муҳим соҳада ҳам, гарчи ҳамма жойда, барча йўналишларда, бир хил тарзда бўлмасада, ҳар ҳолда ижобий силжишлар рўй бермоқда, деб айта оламиз.

Биз экономика ҳақида алоҳида ғамхўрлик қиламиз. Кейинги вақтларда бу соҳада катта-катта тадбирлар қабул қилинди. Бу тадбирлар фан-техника тараққиёти, бошқарув, хўжалик механизмини такомиллаштириш, маҳсулот сифати, ресурсларни тежаш проблемаларини ўз ичига олади. Агросаноат комплексимизни янада ривожлантиришга оид тадбирлар ҳам шу жумлага киради. Биз енгил саноатнинг ишини, савдо-сотиқни, қурилиш комплексини, моддий-техника таъминоти системасини янги изларга кўчиряпмиз. Қисқа қилиб айтганда, ҳамма соҳалар бўйлаб экономикамизни қайта қуриш кенгайиб бормоқда. Булар — жадаллаштириш учун курашнинг янги босқичларида чуқур резервларни, социализм имкониятларини ишга солиши лозим бўлган воситалардир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, аввало ҳозирги босқичда социалистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга доир фаолиятни такомиллаштириш соҳасидаги кенг миқёсли тадбирлар ҳам шу жумлага киради.

Ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган бир талай проблемалар бор, ўртоқлар. Биз бу проблемаларни кўриб чиқиб, қадамба-қадам ҳал этиб, танлаб олинган йўлдан олға бораверамиз.

Бизнинг энг яқин резервларимиз — имкониятлардан фойдаланиш, ишни ташкил қилишни яхшилаш, интизомни мустаҳкамлаш соҳасидаги куч-ғайратларимиз ҳозирнинг ўзидаёқ экономикадаги аҳволга ижобий таъсир қила бошлади. Бир қаранг: 8 ой мобайнида халқ хўжалигининг бултурги базада эришган кўпгина кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичлардан ва бу йилги план топшириқларидан ошиб кетди. Бу гап саноатга ҳам, аграр секторга ҳам, транспортга ҳам, капитал қурилишга ҳам, савдо-сотиқ сингари муҳим, мураккаб соҳага ҳам тааллуқлидир.

8 ой мобайнида саноатдаги меҳнат унумдорлиги йиллик планда белгиланганига нисбатан анча юқори топшириқ —4,1 процент ўрнига 4,8 процент ошди. Бу эса бизга саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ўстириш суръатини йиллик топшириқлардаги 4,3 процент ўрнига 5,2 процент ўстиришни таъминлаш имконини берди. Агар бу натижаларга сиёсий позицияларда туриб қараладиган бўлса, ўсишни кўрсатувчи қуруқ рақамлар —совет халқи партия режаларини қўллаб-қувватлаётганлигининг, ўз меҳнати билан жуда қудратли равишда қўллаб-қувватлаётганлигининг ифодасидир. Бу билан ҳам халқимиз партиянинг йўлига, қайта қуришга ўз муносабатини айтди.

Биз экономикамиз тараққиётининг кўрсаткичларидан ҳали қониқмаяпмиз. Бироқ айни вақтда жуда катта хўжалигимиздаги вазият гарчи секинлик билан бўлса-да, эҳтимол, ҳатто баъзи жойларда жуда кескинлик билан бўлса-да яхшилик сари ўзгариб бораётганини пайқаяпмиз — бу ҳам муҳимдир: пайқаш керак, рўй бераётган ҳамма воқеаларни кўра билиш керак.

Бир қарашда зиддиятли кўринадиган манзарага эътибор қилинг. Аммо биз бу манзарада ижобий жиҳатни, иккинчи томондан эса, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни ҳам кўриб турибмиз. Бултур 8 ой мобайнида шартномалар юзасидан 9 миллиард сўмлик маҳсулот кам етказиб берилган эди. Кам етказиб бериш нималигини тушунасизларми? Бу нарса бутун халқ хўжалигининг ишини издан чиқаради, иш маромига зарба уради. Бу йил қарийб 5 миллиард сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Демак, шартномалар юзасидан маҳсулот етказиб бермаслик ҳоллари салкам икки баравар камайди. Аммо 5 миллиард — катта рақам, ўртоқлар. Демак, шартнома интизоми хусусидаги аҳвол ҳаммамизни ташвишга солиши керак. Биз бу проблемани тезроқ бартараф қилишимиз керак. Агар биз бу муаммони ҳал қилмасак, бир маромда ишлашни, фондлардан самарали фойдаланишни таъминламасак ишчиларнинг, меҳнаткашларнинг кайфиятини бузамиз. Бу — ҳаммамизга тааллуқли муаммо, бу соҳада биз ҳамжиҳатлик билан иш кўришимиз, бир-биримизнинг аҳволимизни тушуниб, шартномавий мажбуриятлар албатта бажарилишига ҳаракат қилишимиз керак.

Ёки асосий фондларни ишга тушириш кўрсаткичини олиб кўринг. 8 ой мобайнида бултургидан кўра 11 процент кўп асосий фондлар ишга туширилди. Буни яхши деса бўлади. Аммо планлар барибир бажарилмай қолди. Демак, ҳамма иш ҳам юзаки қараганда туюлганидек яхши эмас. Илгариги вақтлар бўлганида, асосий фондларни ишга тушириш 11 процент кўпайди, деб айтган бўлур эдик. Шу ерга нуқта қўйилса, биз мутлақо бошқача ахборот олган бўламиз. Агар биз асосий фондларни ишга тушириш планлари бажарилгани йўқ, деб айтсак, кўпгина тармоқлар йил охирида маҳсулот берадиган қувватларни олмаслигини ҳамма тушуниб етади. Меҳнаткашлар квартираларни, мактабларни, касалхоналар ва шу кабиларни камроқ оладилар. Фондлар юзасидан капитал қурилиш планларининг ҳам, капитал қурилиш умумий планларининг ҳам бажарилмаслигидан мана шундай хулоса келиб чиқади.

Мана шуларнинг ҳаммаси жуда муҳим масалалардир, экономиканинг тараққиёти ҳам, халқ фаровонлигининг ўсиши ҳам шу масалаларга боғлиқ. Фойда олиш планлари бажарилганида ва биз 8 ой мобайнида қарийб 3,5 миллиард сўмлик кўп фойда олганлигимизда экономикамиздаги ижобий силжишлар ўз ифодасини топди.

Қайта қуриш ҳақидаги жуда умумий манзарани тасвирлаб, мана шуларни айтмоқчи эдим. Бу ўринда мен ишлар қандай бораётганини тасвирловчи ҳақиқий манзарани кўрсатишга интилдим.

Қайта қуриш жараёни, одамларнинг ижодий изланиши кучайиб бораверши шубҳасиз. Ҳамма бўғинлар ва эшелонлар зўр ғайрат билан ҳаракат қилмоқда. Бироқ ўртоқлар, партия XXVII съезди ўртага қўйган стратегик мақсадларга эришиш учун бизга керак бўлган ҳақиқий қизғин ишлардан ҳали йироқмиз. Жамият турмушининг ҳамма соҳаларида чуқур, революцион ўзгартириш жараёни рўй бераётир, бироқ олдимизда тиғиз кураш йиллари турибди, деб айтиш мумкин.

Ўз нутқимнинг иккинчи қисмини қайта қуришнинг бошқа масалаларига бағишламоқчиман.

Кечаги ва бугунги учрашувларимиздаги ўртоқларнинг нутқларида жойларда, меҳнат коллективларида, ўлкалар, областлар, республикаларда СССР Госпланидан тортиб марказий министрликлар ва идораларимизни қайта қуриш соҳасида янада активроқ иш қилинишидан умидворлик мавзуи янгради. Бу мавзу ўткир қилиб қўйилмоқда. Демак, у реал равишда мавжуд.

Мамлакат хўжалик бошқаруви органлари олдига тўғри талаб қўйилмоқда. Бу органлар қайта қуриш йўлини қандай ўтказишлари, ишни келгусида қандай олиб боришлари хўжалик юритиш шароитларини, меҳнат коллективлари фаолиятининг шарт-шароитларини, ташаббускорлик билан мустақил ишлаш вазияти ва шароитларини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Чунки бугун биз КПСС Марказий Комитетида ва ҳукуматда қабул қилган энг муҳим сиёсий қарорларни бошқарувнинг юқори эшелонлари суст фаолияти билан заифлаштириб қўйиш мумкин, ва аксинча, шу эшелонларнинг актив ишлаши ҳисобига бу қарорларга кўпроқ жўшқинлик бахш этиш мумкин.

Бизда баъзан жойларда у ёки бу муаммоларнинг ҳал этилиши учун масъулиятнинг оғирлигини юқорига ўтказиб юборишга уринадилар, юқоридагилар эса масъулиятнинг оғирлигини қуйига ташлашга кўпинча уринадилар. Илгари айтган эдим, яна такрорламоқчиман: қайта қуришни қуйидан ҳам, юқоридан ҳам олиб бориш керак. Бугунги нутқимда ҳам шу фикрни яна бир бор тасдиқламоқчиман.

Марказий министрликлар ва идоралар шаънига айтилган мулоҳаза ва таъналарни эшитганимда, газеталаримиз яқинда СССР Олий Совети палаталарининг комиссияларидаги ишни қандай ёритганликларини эсладим. У ерда, жумладан, Оғир ва транспорт машинасозлиги министрлигининг янги шароитлардаги иши таҳлил қилинган эди, чунки бу министрлик 3 йилдан буён эксперимент шароитида ишлаб келмоқда. Жуда қизғин муҳокама бўлди. Ифодали қилиб айтганда, шу министрлик раҳбарларининг муносиб равишда боплаб таъзирини бердилар. Нималар дейилганига эътибор беринг, буни мен ёзиб олган эдим. Бу министрликда ғалати ҳодисалар рўй бермоқда. Министрлик ходимлари эски одатларни, қуйи ташкилотлар билан муносабатлар соҳасида илгари қарор топган, аммо умрини яшаб бўлган формаларни тарк этишлари жуда қийин бўлмоқда. Қайта қуриш шароитларида министрлик томонидан бирлашма ва корхоналарга берилиши лозим бўлган ҳуқуқлардан айрилиш, айниқса қийин бўлмоқда. Энг асосий банд мана шундан иборат.

Бу министрликда консерватизм маҳкам ўрнашиб қолганлиги аниқланди. Ваҳолонки у уч йилдан бери эксперимент ўтказяпти. Консерватизмнинг кучлилигини, уни ўрнидан кўчириш нақадар қийинлигини қаранг! Буни биз эътиборга олишимиз керак, ўртоқлар. Қайта қуришнинг маъноси мана шундай.

Министрлик ходимлари бошқаларга — пировард натижа планнинг тақдирини ҳал қиладиганларга берилиши лозим бўлган ҳуқуқларни ўз қўлларида ушлаб туришга уринмоқдалар. Аппарат бирмунча қисқарган бўлса ҳам ёзишмалар камайгани йўқ. Чамаси, ўртоқлар бу ерда айтганидек, бошқарув аппаратини янада қисқартириш керак.

Министрлик кўпдан-кўп циркулярларни ҳали ҳам юбориб турибди, эксперимент шароитида ҳожати бўлмаган кўрсаткичларни белгилаб бермоқда. Демак, у ердагилар эскичасига, эски ёндашувлар асосида ишламоқдалар.

Корхона ва бирлашмалар доирасидаги хўжалик ҳисоби муносабатларининг характери аслида ўзгармай қолди. Чинакам хўжалик ҳисобидаги бригадалар йўқ, деса бўлади. Депутатлар бир неча корхона билан бевосита танишганларида ўрта бўғин ва ишчилар ҳақида гапирмаганда ҳам, инженер-техник ходимлар ва ҳатто раҳбарлар ҳам хўжалик юритишнинг, моддий рағбатлантиришнинг янги усулларини яхши эгаллаб олмаганликлари маълум бўлди. Баъзилари бу усулларни мутлақо билмайдилар. Эксперимент шароитидаги ишнинг учинчи йилида мана шундай бўлиб турибди!

Ҳамма нарса тармоқ раҳбарлари қандай позицияда туришларига боғлиқ. Сўнгра бу позиция худди шу тарзда тармоқ корхоналарида ҳам такрорланади.

Холисона айтганда, министрлик ишида олға томон силжиш бор. Бироқ хўжалик юритишнинг янги шартлари ва усулларига риоя қилинганида бошқарувнинг маъмуриятчилик усулидан иқтисодий усулларига ўтилганида эди, силжиш бундан ҳам тезроқ борган бўлур эди. Ваҳолонки гап жуда тажрибали ва йирик хўжалик ходими — ўртоқ Сергей Александрович Афанасьев бошчилик қилаётган тармоқ ҳақида бормоқда. Биз унинг тажрибасини қадрлаймиз. Мен бу министрлик ва министр ҳақида гапиряпману, аммо бошқалар ҳақида ҳам ўйлаяпман. Чамаси бу ҳақда Марказий Комитетда гаплашиб олиш керак.

Биз халқ хўжалигини бошқариш системасини тубдан қайта қуриш ғоясини ривожлантириб, яна олға борамиз. Ҳозир Химия машинасозлиги министрлиги, Нефть-химия саноати министрлиги, Автомобиль саноати министрлиги, Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги, Денгиз флоти министрлиги каби министрликлар ҳамда ўн етти саноат министрлигига қарашли ўттиз олтита йирик корхона ва бирлашмаларни 1987 йилда тўла хўжалик ҳисоби, маблағ билан ўзини-ўзи таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитларига, яъни ҳозирги вақтда ВАЗ билан Суми машинасозлик бирлашмаси ишлаётган принципларга ўтказишга қарор қилинди ва бунинг учун кенг тайёргарлик ишлари кетмоқда. Биз бу йўлдан қатъият ва изчиллик билан бораверамиз.

Сўнгги вақтда қабул қилинган қарорларни амалга ошириш жараёнида баъзи министрликлар ва идоралар ғоят долзарб вазифаларни ҳал этиш муддатларини кечга сураётганликлари Марказий Комитетни ташвишга солмоқда. Шу йўл билан улар КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат эндигина қабул қилган, бунинг устига ўзларининг иштирокида ишлаб чиқилган қарорларни ревизия қилмоқдалар. Биз бу аҳволни ҳам текшириб кўришимиз керак, лекин менимча, бу ҳақда, энг аввало Госплан ҳам, министрликлар ҳам ўйлаб кўришлари лозим.

Бу кўпинча ҳали қарорлардан босмахона бўёғининг ҳиди кетмай туриб, уларни қайта кўриб чиқиш ҳақида таклиф киритиладиган эски практикадир. Бунга чек қўйиш керак. Агар бу масала асосли равишда қўйилган бўлса ҳам, барибир, қарорни бажариш йўлларини топиш лозим. Нима учун шундай қилиш керак? Шундай қилинса, кейинги қарорларни тайёрлаш чоғида ҳамма масъулият билан ёндашади ва фақат реал топшириқларни ёзиб қўяди, реал вазифаларни ўртага қўяди. Бизда баъзан осонликча қарор қабул қилишмоқда ва бу қарорларга енгилтаклик билан муносабатда бўлишмоқда. Бу хатарли йўл, яқин-яқинда ҳам биз шу йўлдан борган эдик ва бу қаерга олиб боришини биламиз. Ўнлаб йиллар давомида долзарб муаммолар ҳал этилмай қолаверди. Бир томондан, актив амалий иш олиб борилаётгандек қилиб кўрсатилди, у ёки бу масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди, иккинчи томондан эса, дарҳол, йилнинг охирида, навбатдаги йиллик планни тузиш чоғида ана шу қарорларга жуда катта ўзгартишлар киритилди. Бу хавфли йўл, биз бу йўлдан бормаймиз ва ҳамма ўртоқларни бу ҳақда огоҳлантириб қўйишимиз керак.

Бизда июнь Пленумидан кейин ҳам янгидан қурилаётган корхоналарда ҳеч қандай янгилиги бўлмаган техника ечимларини таклиф қилаётган министрликлар ҳали ҳам бор. Агар биз уларнинг фикрига қўшилиб, ана шу лойиҳаларни рўёбга чиқарганимизда эди, у ёки бу муҳим соҳалардаги қолоқликни камида 15—20 йилга сақлаб қўйган бўлур эдик. Ана шу жиҳатдан қараганда биз марказий идораларимиз ҳамда уларни контрол қилиб турувчи ташкилот — фан ва техника комитети ҳам ўз ишларини жуда секинлик билан қайта қураётганликларини кўриб турибмиз. Фан ва техника комитетига у ҳали ўз ролини уддалай олмаётганини эслатиб ўтиш ўринли бўларди.

Мана бугун ҳам шаҳардаги учрашувда кўп инженерлар тўпланишди. Улар жамиятимизда инженерларнинг роли ҳақида, Марказий Комитетнинг бунга қандай қараётганлиги ва муаммо қандай ҳал қилиниши тўғрисида, инженерлар меҳнатининг обрўси ошириладими, йўқми деб менга жуда кўп саволлар беришди. Ана шу саволлар муносабати билан мен жуда ташвишланиб қолдим.

Нега ана шундай саволлар туғилди? Ахир биз Ленинградда эксперимент ўтказдик ва у инженерлар, конструкторлар, илмий ходимлар меҳнатини рағбатлантириш юзасидан яхши натижалар берди-ку. У ердаги коллективлар ўзларининг илмий институтларини бўш, талабга жавоб бера олмайдиган, аслида кераксиз ходимлардан ҳоли қилдилар. Улар чамаси бошқа жойларда керак бўлади ва у ерларда фойда келтиришлари мумкин. Ходимлар сони аслини олганда учдан бир баравар камайди, ишланмалар сони эса кўпайди, уларнинг савияси ошди ва тўланадиган ҳақ ҳам кўпайди — кўпайганда ҳам инженернинг ижодий улушига қараб анча кўпайди.

Биз буни яхши ва тўғри йўл деб ўйладик. Уни бошқаларга ҳам тавсия этишга қарор қилинди. Чамаси бу қарор тегишлича амалга оширилмаётганга ўхшайди. Шу сабабли текшириш учун Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги танлаб олинди. Бу министрлик ишлаб чиқарилаётган техниканинг юксак даражасига эришмоғи керак: бу министрлик ҳамма тармоқлар билан боғлиқ ва бутун халқ хўжалигига, бутун экономикамизга ўз таъсирини ўтказа бошлайди.

Аҳвол қандай бўлиб чиқди? Бу ерда ишга расмиятчилик билан ёндашилган. Ҳаммасини тенглаштириб, ҳаммага ва ҳар бир кишига уларнинг ишга қўшадиган ҳиссасидан қатъи назар маошига бир неча сўмдан қўшиб бериш билан чекланилган. Табиийки, бундан кейин ҳеч нарса бўлмаган, ҳеч нарса ўзгармаган.

Бу ерда учрашув чоғида ва Кубань еридаги суҳбат пайтида шу мавзуни ўртага қўйганликларидан мамнунман. Бу мавзу Марказий Комитет ва ҳукуматдаги бизнинг мулоҳазаларимиз билан ҳамоҳангдир.

Ўртоқлар, бошқа муаммога тўхталмоқчиман. У ҳам қайта қуришга оид. Гап демократия тўғрисида, жамиятни, давлат органларида, экономикада, социал ва маданий соҳада ҳаётимизнинг ҳамма жиҳатларини демократлаштириш тўғрисида бормоқда.

Мен яна учрашувларимизга қайтаман. У ерда шундай саволлар беришдики, улар теранлиги билан ажралиб турди. Бу инженерлар, врачлар, файласуфлар бошқа касб намояндаларининг, хуллас университет ва бошқа ўқув юртларини битираётган ёшлар вакилларининг саволлари эди. Булар ҳозир ишга қўшилаётган янги кучдир.

Ўртоқлар, мен халқимиз нақадар юксалиб кетганлиги, унда қандай интеллектуал ва ижодий потенциал борлиги ҳамда мамлакатимиздаги масалаларни ҳал этиш чоғида маъмуриятчилик, команда бериш ва буйруқбозликка зўр бериб, ана шу потенциалдан фойдаланмаётганимиз ҳақида ўйладим. Ахир бу ҳамма органларда, ҳатто партия органларида ҳам кенг тарқалган ҳол, юксак лавозимдаги одамларимиз ёҳуд у ёки бу раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган кишилар меҳнаткашлар, оддий коммунистлар ва инженерлар, мутахассисларнинг таклифларини, мулоҳазаларини тинглаётиб, кўпинча уларни охиригача эшитишга сабр-тоқатлари чидамайди. Уларнинг фикрича гўё бу таклиф ва мулоҳазаларнинг ҳаммаси маълум, ҳаммаси уларнинг жонига теккан, улар чарчашган. Шу тариқа улар бутун қиёфалари билан тезроқ гапингни тугат деб туришади. Агар суҳбатдош гапини давом эттираверса: биласанми, бор ишингни қил, сенсиз ўзимиз уддалаб оламиз, дейишади.

Бу, ўртоқлар, кенг тарқалган ҳолат. Мамлакатдаги кўп жойларда буни кўрганман. Бу ҳақда одамлар Марказий Комитетга ёзишяпти, матбуот ҳам бу хусусда кўп фактларни келтирмоқда.

Яна нима бўляпти денг? Қайта қуриш давомида кимга қийин бўляпти денг? Новаторларга, актив, тиниб-тинчимас кишиларга қийин бўляпти. Улар баъзи раҳбар кадрларнинг қарор топган иш услубини бузмоқдалар, уларни қимирлашга мажбур қилмоқдалар. Улар эса ўзларининг эски тафаккурларини ўзгартиришни хоҳламайдилар.

Биз жамиятни демократлаштириш орқали кишиларни қайта қуриш жараёнига жалб этишимиз лозим. Қайта қуришнинг моҳияти нималиги ҳақида гапирадиган бўлсак, мен унинг моҳиятини соддагина қилиб: биз ҳар бир меҳнат коллективида, ҳар бир партия ташкилотида, ҳар бир областда, республикада, тармоқда, ҳар бир марказий идорада, бутун партиямизда одамларимиз ўзларини мамлакат хўжайини, деб ҳис этадиган шароитни яратиб беришимиздан иборат, деган бўлур эдим.

Мамлакат хўжайинининг бурчлари жиддийроқ бўлади. Унинг масъулияти катта. Ўз хўжалигида, у жавобгар бўлган жойда ҳамма нарса соз бўлиши, у ерда турғунлик бўлмаслиги, барча жараёнлар жўшқинроқ бўлиши, иш яхшилик сари ўзгариши, у ёки бу коллективда, районда, корхонада, фермада ҳамма ўзини дадил ҳис этиб, ғайрат билан иш тутиши, йўлимизга тўсқинлик қилаётган нарсаларга муросасозлик билан қарамаслиги лозим.

Ўртоқлар, биз ошкораликни кенгайтирдик, проблемаларни очиқ муҳокама қилиш йўлига ўтдик. Бу баъзан, ҳатто активларимизни ҳам, ветеранларимизни ҳам, бошқаларни ҳам ташвишга солмоқда. Айрим кишилар эса Марказий Комитетга: биз ҳаммамиз қайта қуриш тарафдоримиз, лекин танқид жуда кўп бўляпти. Наҳотки ишимиз шунчалик ёмон бўлса? — деб хат ёзишмоқда. (Шу хатлар ёнимда).

Айримлар эса танқидни давом эттириш, танқид даражасини пасайтирмаслик керак, лекин қайта қуриш давомида вужудга келаётган ижобий нарсаларни ҳам кўпроқ кўрсатиш керак, демоқдалар. Мен мана шу яхлит икки формулани қўллаб-қувватлаган бўлардим.

Биз ошкораликни кенгайтиришимиз лозим, очиқ-ойдинлик янада кўпроқ бўлиши, одамларимиз меҳнат коллективида, районда, шаҳарда, областда, республикада, мамлакатда нималар бўлаётганини билишлари лозим.

Ҳамма, шу жумладан раҳбар кадрлар ва коммунистлар ҳам бизнинг партиямиз мамлакатни идора қилаётган партия эканлигини унутмасликлари керак. Партия сиёсий йўлни ишлаб чиқмоқда. Кадрлар сиёсатини, ташкилотчилик-тарбиявий фаолиятни амалга оширмоқда, халқни ўз ортидан эргаштириб бормоқда.

Лекин ўртоқлар, партия халққа хизмат қиляпти. Унинг раҳбарлик мавқеи — имтиёз эмас. Бу энг аввало, мамлакат тақдири учун халқ олдидаги улкан масъулиятдир. Шу боисдан партия, бинобарин, оддий коммунистдан тортиб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретаригача, Сиёсий бюро аъзоларигача — ҳамма коммунистлар халқ хизматидамиз. Ким буни унутиб қўйган бўлса, мана шу минбардан эслатаман.

Бизнинг ишимиз ҳақ иш. Биз тўғри йўлдан бораётганлигимизни сезиб турибмиз. Бу ҳаракат кучга тўлиб, муқаррар тус олмоқда. Агар биз жамиятда демократияни кенгайтириш масалаларига кўпроқ эътибор берсак, қайта қуриш янада жўшқинроқ боради.

Ўртоқлар, иш сиёсий йўл-йўриқларни конкрет амалга оширишга, жумладан, демократизмни кенгайтириш, экономикани бошқаришга, маънавий соҳага, социал масалаларни ҳал қилишга, меҳнаткашларни кенг жалб этишга бориб тақалганда баъзи жойларда сусткашлик юз беряпти, баъзи жойларда одамлар ўзларини йўқотиб қўйяпти.

Маслаҳатлашиб туриш, ҳамиша одамлар билан бирга бўлиш керак экан.

Коммунист омма орасида, доимо халқ билан алоқада бўлиши, унга хизмат қилиши, одамлар гапираётган нарсаларни сиёсатда акс эттириши, халқни ана шу сиёсатни амалга оширишга сафарбар этиши лозим. Бу содда, лекин ленинча чуқур формулалардир. Улар бугун ҳам бизга сув ва ҳаводек зарур, жамиятни қайта қуришга сафарбар этиш учун асосий восита сифатида зарурдир.

Бироқ ана шу бурилишни амалга ошириш нақадар қийин. Айрим ходимлар меҳнаткашлар билан мулоқотда бўлиш ўрнига қоғоз билан иш тутишни афзал кўрадилар. Салқин кабинетга кириб ўтиради-да, қоғозларни титкилай бошлайди. Меҳнат коллективига келинг, дейишса шикоятга жавоб ёзиш керак, деб баҳона топади. Сўнг шикоятни текширилмасдан олдин ҳам маълум бўлган жавобни ёза бошлайди, бир ҳафта ёзади, ҳақиқий иш эса тураверади. Бундай практикада одамлар ҳузурида бўлишни, жонли қайта қуриш жараёнида иштирок этишни хоҳламаслик кўзга ташланади.

Бундай ёндашувда демократиянинг аҳамиятини тўла тушуниб етмаслик кўзга ташланади. Марказий Комитет Пленумида бундай дейилган эди: биз ҳаммамиз, ўртоқлар, демократияни кенгайтириш шароитида ишлашни ўрганиб олишимиз зарур. Илгари сен команда берар эдинг, маъмуриятчилик қилардинг, энди эса халқни сафарбар этиш, ҳаммани актив ишга жалб қилиб, омма имкониятларидан фойдаланиш лозим.

Маълум бўлишича, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида тобора кўпроқ қарор топаётган ошкоралик кўп кишиларга ёқмаяпти. Меҳнаткашлар — ишчилар ва деҳқонлар, зиёлиларимизнинг ҳам танқидининг оғир ботиш ҳоллари оз эмас, демократияни кенгайтириш жараёнини ҳамма ҳам маъқуллаяпти, деб бўлмайди.

Демократия, ўртоқлар, бу фақат ҳуқуқ эмас, бу масъулият, бурч демакдир, бу — интизом масаласи демакдир, демократия — ҳамма нарсага йўл очиб қўйиш, анархия деган гап эмас. Демократия ҳуқуқ ва бурчлар бирлигида рўёбга чиқарилади, ҳуқуқ ва бурчлар эса кишига ўзининг гражданлик позициясини намоён этишга имкон беради.

Шу билан бирга демократия ҳар бир киши ўз меҳнати билан жамиятимиз мақсадларини амалга оширишда иштирок этишини кўзда тутади. Бунинг маъноси шундаки, демократия ўзининг ана шу жиҳати билан ҳаммага қаратилган. Шу сабабли демократияни кенгайтириш тўғрисида гапирганимда бу фақат мансабдор кишиларга тааллуқли эмас. Бу гап ҳаммага тааллуқлидир.

Бу хусусдаги фикрларни биз Ленин меросидан оламиз. Владимир Ильич социализм ва демократия тўғрисида кўп гапирган. Бугун мен унинг «Марксизмга карикатура тўғрисида» мақоласидаги сўзларни келтирмоқчиман. «Демократия бўлмаса, — деган эди Владимир Ильич, — социализмнинг ҳам бўлиши мумкин эмаслигининг икки маъноси бор. Биринчиси, агар пролетариат демократия учун кураш йўли билан социалистик революцияга тайёрланмаса, социалистик революция қилиши мумкин эмас. Иккинчиси, демократияни тўла-тўкис амалга оширмасдан туриб, ғолиб социализмнинг ўз ғалабасини сақлаб қолиши... мумкин эмас».

Биз, Советларга оид катта қарор қабул қилдик. Советлар учун катта имкониятлар очиб беряпмиз. Улар меҳнаткашларнинг ҳокимияти сифатида ўзларини тўла-тўкис кўрсатишлари учун ҳуқуқий имкониятларни яратиб беряпмиз. Ахир Советлардаги омманинг асосини ишчилар ва деҳқонлар, зиёлиларнинг вакиллари ташкил этади.

Биз жамоат ташкилотлари ҳуқуқларини кенгайтириш йўлидан боришимиз лозим. Агар ҳозир қайта қуриш жараёнида, новаторлик вазифаларини ҳал этаётган пайтимизда комсомолнинг ҳамма соҳадаги ҳуқуқларини кенгайтирсак, биз бирон бир нарсамизни йўқотамизми? Масалани корхоналарда биронта ҳам масала комсомол-ёшлар иштирокисиз ҳал этилмаслиги керак, деган тарзда қўйишимиз ҳам мумкин. Масалани шу тарзда қўйишнинг нимаси нотўғри?

(Давоми 3-бетда).

# КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг

## Краснодар ўлкаси партия активлари билан учрашувда сўзлаган нутқи

**(Давоми. Боши иккинчи бетда).**

Фан-техника тараққиётининг илғор марраларида иш олиб бораётган корхоналаримизни олиб кўринг. У ерда ким меҳнат қиляпти? Ёшлар! Оддий ходимлар орасидагина эмас, балки инженерлар орасида ҳам ёшлар бор.

Биз мамлакатнинг хом ашё базаси, энергетика билан боғлиқ янги-янги ерларни ўзлаштиряпмиз. У ерларда ким меҳнат қиляпти ва ўша жойларни ким ўзлаштиряпти? Ёшлар!

Фақат ишонч, масъулият, катта давлат вазифаларини, сиёсий масалаларни ҳал этишга, халқ хўжалигини бошқаришга, маънавий масалаларни, тартиб масалаларини ҳал этишга реал жалб қилиш ёшларимизни активроқ, социализм ғояларига янада садоқатли қилади.

Агар баъзи жойларда иш юришмаётган бўлса, ёшларнинг сиёсатга лоқайдлиги, бепарволигига дуч келаётган бўлсак, ёшлар майда ғоялар ва ташвишларга ўралашиб қолаётган бўлсалар, — бу сиз билан бизнинг айбимиз. Ёшлар қайта қуришда фаол қатнашишни истайдилар. Биз буни сезиб турибмиз, буни табрикламоқ керак. Буни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилиш наҳотки қийин бўлса? Хўжалик ҳаётини ёки институтлар, мактаблар фаолиятини тартибга солувчи бугунги нормалар шундай қилишимизга имкон бермайдими? Комсомолнинг ташаббускорлиги, катта масъулияти, мустақиллиги тўғрисидаги масалани наҳотки бугун ўртага қўя олмасак? Қўя оламиз. Бу бизнинг ишимиз, бу демократиянинг бир кўриниши.

Касаба союзлари ҳам баъзи жойларда ўз таъсирини йўқотиб қўйди. Айрим партия секретарларики раҳбарларнинг ноғорасига ўйнаётган эканлар, улар билан муносабатларни партиявий асосда, принципларимиз асосида қурмаётган эканлар, у ҳолда касаба союзларида коллектив манфаатлари тўғрисида қайишиш керак бўлганда, раҳбарлар билан қўл ушлашиб, уларнинг ноғорасига ўйнашяпти. Агар коллектив манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилганларида, йиллар давомида ҳал этилмай келаётган масалалар тезроқ кўриб чиқилар эди. Бунинг ҳам демократиямиз системасига бевосита алоқаси бор.

Ҳозир мен ҳамма муаммоларга тўхталиб ўтмоқчи эмасман. Фақат бир нарсани — кишилар ўзларини мамлакат хўжайинлари деб ҳис этган тақдирларидагина қайта қуришни амалга ошира олишимизни таъкидламоқчиман. Демократлаштириш жараёни кенгайтирилсагина кишилар ўзларини ана шундай ҳис этадилар.

Демократия тўғрисида гапирганда мисол келтириш керак. Шу сабабли мен навбатдаги қисмга — янги шароитда партиямиз фаолиятидаги вазифаларга ўтаман.

Партия органлари, энг аввало жадаллаштириш йўлини тўғри тушуниш, уни рўёбга чиқаришга, қайта қуришга тўғри муносабатда бўлиш намунасини кўрсатишлари лозим.

Лекин ҳатто партия органларида ҳам кулгили воқеалар бўляпти. Қайта қуриш — салбий ҳодисаларга нисбатан муросасизлик, ошкоралик, деймиз. Бу оддий ҳақиқат, жамиятда худди шундай бўлиши керак. Жамият хабардор бўлиши, ҳамма нарсани билиши ва ҳамма нарса ҳақида онгли фикр юритиши лозим.

Лекин қаранг, нималар бўляпти. Курган область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Плеханов яқинда обком пленумида доклад қилди. Яхши, мазмунли, ўткир, танқидий доклад қилди. Шу докладни область газетасида босиб чиқаришаётганда уни шундай қайчилашдики, худди бир йил аввалгидек, беш йил аввалгидек силлиқ бўлиб қолди. Гўё ҳамма нарса ўз жойида.

Марказий Комитетдаги ўртоқлар маълум қилишларича, докладдаги гап ишдаги камчиликлар, у ёки бу нуқсонлар ва суиистеъмолларнинг конкрет айбдорлари ҳақида борган ўттизтадан кўпроқ жойи қисқартирилибди. Шундай бўлиб чиқяптики, Курганда гўё иккита ошкоралик мавжуд: бири — тор доирадаги кишилар учун, иккинчиси — қолган ҳамма учун. Бу аҳволда айримлар учун бир хил интизом-у, бошқалар учун — бошқа интизом; бировлар учун — бир қонун-у, бошқалар учун — яна бошқа қонун, ва ҳоказолар деб жуда ошириб юбориш мумкин. Йўқ! Бизда битта қонунчилик бор. Ҳамма учун интизом ҳам бир. Социалистик аҳлоқ ҳам ҳамма учун бир.

КПССнинг ўзи, бошланғич партия ташкилотидан тортиб, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросигача, КПСС Марказий Комитетигача унинг ҳамма бўғинлари ўз ишини қанчалик тез қайта қуришига кўп нарса боғлиқ. Бу, ўртоқлар, бизнинг энг муҳим ишимиз, мамлакат бутун партия активининг иши бўлиши лозим. Бу соҳада КПСС бутун жамиятга намуна бўлиши керак. Агар биз меҳнаткашлар ташаббускорлик кўрсатиб, ўз таклифларини ўртага ташлаётганликлари, масалаларни кундаланг қўяётганликлари, камчиликларни очиб ташлаётганликлари, бошланғич партия ташкилотлари, район, шаҳар партия комитетлари эса баъзан ана шуларнинг ҳаммасини силлиқлаб кетишга, бу ҳақда лом-лим демай ўтишни истаётганликлари ҳақида эшитаётган ва матбуотда ўқиётган эканмиз, бунақада иш юришмайди. Бундай партия комитети ўз обрўсини йўқотади, холос.

Биз ўз услубимиз, ишга ёндашишимиз, масалаларни қўйишимиз билан кишиларни ташаббускорлик, принципиаллик билан ишлашга ундашимиз, партиявийликка ундашимиз, биз кўчаларда ва уйда ёки тор доирада муҳокама қилаётган проблемаларимиз тўғрисида мажлисларда гапирилишига ундашимиз керак. Мажлисларда кампанияларнинг қандай ўтаётганлиги эмас, — ҳам коммунистларни, ҳам у ёки бу район меҳнаткашларини, республикани, корхонани, у ёки бу тармоқ меҳнаткашларини ташвишлантираётган долзарб масалалар муҳокама қилиниши керак.

Бошланғич партия ташкилоти, район ва шаҳар партия комитетлари бунга ҳаммадан яқинроқ турадилар. Ўртоқлар, район бўғини, бошланғич партия ташкилоти сиёсий йўлимизни реал ҳаёт билан қўшиб олиб бориши, бу сиёсий йўл тўлатўкис амалга оширилиши учун жуда катта меҳнатни ўз зиммасига олиши лозим.

Партия органлари фаолиятида намуна керак, коммунистларнинг намунаси керак. Гап бошқа-ю, амалда партия ва хўжалик раҳбарлари, партия ташкилоти секретарлари иши бошқа бўлган, биз қоралаган ва партияда анча кенг тарқалган эскича ёндашувлардан воз кечиш зарур.

Ҳозир одамлар камчиликларга нисбатан муросасиз бўлмоқдалар. Ахир, биз ҳаммамиз — меҳнаткашлар, барча коммунистларнинг кўз ўнгида турибмиз. Шу сабабли краснодарликларни сўнгги йилларда ўлка партия ташкилотининг бутун ишини қайта қуриш, партиявий вазиятни ленинча принциплар, партиявий принциплар асосида соғломлаштириш учун сарфланаётган куч-ғайратларни давом эттиришга чақираман. Партия ташкилоти, умуман ўлка тоза-соф бўлиб бормоқда. Бу эса жуда катта самара беради, ўртоқлар.

Одамлар суҳбат чоғида ўлка партия ташкилотининг бу куч-ғайратларини қўллаб-қувватлашяпти. Бу ишни ҳеч иккиланмай ўтказиш керак. Бизда дахлсиз кишилар бўлмаслиги лозим. Бизда контролдан, партиявий ёки жамоат контролидан четда турадиган соҳа бўлмаслиги лозим.

Бу фақат раҳбар кадрларгагина эмас, балки ҳаммага — оддий коммунистларга, ишчиларга, зиёлиларимизга, деҳқонларга ҳам тааллуқлидир. Агар бирон киши тўғри йўлдан оғиб кетса, унга бирон нарса айтиш зарур бўлса, у ҳақда очиқдан очиқ, социалистик демократиямизга, ошкоралик, очиқ-ойдин ва ҳаққонийлик принципларига мувофиқ равишда айтиш керак. Демократлаштириш жараёнидан қўрқмаслик зарур. У жамиятимизни бўшаштирмайди, аксинча, мустаҳкамлайди. У интизом ва тартибни бўшаштирмайди, аксинча, ишлар онгли равишда яхшиланади.

Сизлар демократлаштириш жараёнидан, ошкораликдан сафсатабозлар ва туҳматчилар фойдаланиб қолишлари мумкин, деб айтишларингиз мумкин. Ҳа, нима, уларга кучимиз етмайдими? Кучимиз етади, ўртоқлар. Биз ҳамма нарсани очиқ-ойдин муҳокама қилсак, ҳар қандай одамни жойига ўтқазиб қўямиз, ҳаддидан ошиб кетган, жамиятимизни, коллективни, ҳалол кишиларни қораламоқчи бўлган одамларни жойига ўтқазиб қўямиз.

Бироқ камчиликларни тузатиш мақсадини кўзлайдиган ҳамма мулоҳазаларни, меҳнат коллективларининг, жамиятимизнинг имкониятларини очадиган жамики қимматли таклифларни табриклаш ва рағбатлантириш керак.

КПСС ва партия органлари, унинг партия кадрлари ибрат кўрсатишлари лозим. Ўлка партия ташкилотида худди шундай бўлади, деб умид қиламан.

Ўртоқлар! Кубань — катта қишлоқ хўжалик региони. Табиийки, бугунги учрашувда бош мавзу — дон мавзуи, ҳозирги ва келгуси ҳосилнинг тақдири мавзуи тилга олиниши зарур. Мени қувонтирган нарса нима денг? Кубанликлар эришилган натижа билан қаноатланмаяптилар. Бу ҳам кубанликлар учун янгиликдир. Ошкоралик ва ҳақгўйлик доирасида буни ҳеч бўрттирмай гапиряпман. Кубань қанчадан-қанча ишлар қилаётган ва Озиқ-овқат программасини ҳал этишга жуда катта ҳисса қўшаётган бир пайтда натижалардан қаноатланмаслик аграр сектордаги ва айни энг илғор йўналишлардаги ижобий жараёнларни рағбатлантирувчи қудратли омилдир. Сизларнинг куч-ғайратларингизни табриклайман, ўртоқлар!

Кеча биз Тимашевский районидаги агросаноат комплексининг иши билан эътибор бериб танишдик. Бу комплексдаги ишлар бутун ўлкада рўй бераётган жараёнларни жуда яққол акс эттиради. Кубанни интенсив ривожлантиришнинг янги босқичида қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўпайтириш — анча миқдорда кўпайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун резервлар қидирилмоқда.

Фан-техника тараққиётига, интенсив технологияларга зўр берилаётганини, биз хўжалик юритиш ва бошқаришнинг янги усулларига, аввало, коллектив пудрат, хўжалик ҳисоби орқали жалб этаётган инсонга асосий умид боғланаётганини — мана шуларнинг ҳаммасини астойдил қўллаб-қувватласа ва маъқулласа арзийди.

Дарҳақиқат, бугун кишини ҳайратга соладиган гапларни эшитдим, шунда дафъатан шундай қиёс вужудга келди: ўнинчи беш йилликда дон ҳосили гектар бошига чамаси ўттиз центнер, ўн биринчи беш йилликда ҳам ҳосил ўттиз центнер атрофида бўлди. Мана, энди интенсив технологияларни жорий қилиш йўлида биринчи қадам қўйилди. Гарчи бу ишда ҳали кўпгина ғўрликлар, пухта ўйланмаган нарсалар бўлса-да, ҳосилдорлик соҳасида гектар бошига 40 центнердан ошадиган даражага чиқиб олинди.

Бу шу қадар муҳимки, сизлар, эҳтимол, бунинг аҳамияти нималигини тасаввур ҳам этмаётгандирсиз. Биз интенсив технологияларнинг муайян даражасига чиқиб олдик. Келгуси йилда интенсив технологиялар мамлакатдаги 36 миллион гектар ерда жорий этилади. Беш йиллик охирига борганда 50 миллион гектардан кўпроқ ердаги донли экинларни интенсив технология асосида етиштирадиган бўламиз. Агар ҳар гектар ердан бир тонна қўшимча ҳосил олсак, — мана шу 50 миллион гектар ерда етиштирилган қўшимча ҳосил мамлакатда 50 миллион тоннани ташкил қилади. Бултур ўн олти миллион тонна чамаси қўшимча ҳосил олган эдик. Мана шунинг ҳаммаси ҳозир биз валютага харид қилаётган доннинг ўзидир, ўртоқлар. Боз устига бу бизнинг сифатли донимиздир. Дон масаласига мана шундай ёндашиш асосида қандай иқтисодий ва сиёсий вазифа ҳал этилаётганига назар ташланг. Биз бу вазифани ҳал қилишимиз керак. Энг кўп самара олинаётган соҳаларда ресурсларни марказлаштириш йўлидан бориш керак, деб ўйлайман. Аввало Кубань мана шундай регион, деб ўйлайман.

Биз сизлар билан ишлай оламиз, ўртоқлар. Ҳолбуки, биз ишни жуда катта ҳажмда, техника ва айниқса, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари етишмай турган бир шароитда эндигина бошладик. Агар ҳамма иш чинакамига, қатъий технология асосида қилинадиган бўлса катта марраларга чиқиб олиш мумкин.

Чорвачиликда ҳам худди шундай бўлмоқда. «Искра» колхозидаги комплексда голштинлаштириш жараёни саноат технологияси билан ва озиқлантириш базасини яхшилаш билан бирга қўшилиб сут соғиб олишни тез кўпайтиришни — поданинг қолган қисмини бир хил шароитда боқилган тақдирда йилига 600 килограмм қўшимча сут олинишини таъминламоқда. Бу ҳам интенсивлашнинг натижаси, ўртоқлар. Сизларда сигирлар 4 процент кам бўлса ҳам, кўпроқ сут етиштирдингиз. Қорамол туёғини кўпайтирмай туриб, гўшт етиштиришни уч йилда 24 процент оширдингиз.

Интенсив хўжаликнинг хосияти, деб мана шуни айтадилар. Агар биз яна чорва туёғини кўпайтиришга зўр берганимизда нима бўларди денг? Фермалар қуриш, чорва туёғини кўпайтириш, ходимларни қидириш керак бўларди, маҳсулот қачон бўлиши номаълум эди. Демак, аграр сектордаги интенсив йўл энг муҳим вазифа ва ишнинг бош йўналишидир.

Ўлка партия ташкилоти бу йўлда куч-ғайратларни оқилона сарфлаётганлигини қўллаб-қувватлайман. Сизлар ишлашни, айниқса ерда ишлашни биласизлар. Энди сизлар чорвачиликда ҳам муваффақиятларга эришаётганингиз қувончлидир. Бир вақтлар Кубанда чорвачиликни, айниқса сут чорвачилигини унчалик ёқтиришмасди. Сизларда ҳам бу тармоқнинг миришкорлари тобора кўпайиб бораётган экан, буни табриклайман. Бизнинг ҳайрихоҳлигимизга ва мададкорлигимизга умид боғлайверишингиз мумкин.

Сўзимнинг охирида бўлиб ўтган фикрлашувлардан зўр мамнуният изҳор этмоқчиман, ўртоқлар. Бундан жуда катта наф кўрдим. Ўлка партия ташкилоти учун, кадрлар учун, биз билан суҳбатлашган кишилар учун ҳам бу фойдали бўлади, деб айтсам, камтарлик доирасидан чиқмаган бўлсам керак, деб ўйлайман.

Биз ўлка партия ташкилотининг ҳамма соҳаларда актив ишлашига, қайта қуриш соҳасида актив ишлашига умид қиламиз. Жамиятимиз тараққиётининг янги босқичидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун кубанликларнинг жуда катта имкониятлари бор.

Сизларга катта-катта муваффақиятлар тилайман!

**(Ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди).**

# СОВЕТ ХАЛҚИ ҲАММА НАРСАНИ УДДАЛАЙ ОЛАДИ

**(Боши биринчи бетда).**

Биз ҳатто пенсионерлар бирлашиб, баҳамжиҳат нималарнидир қилишлари учун Бутуниттифоқ пенсионерлар ташкилотини тузишга қарор қилдик. Мазкур ташкилотга қандайдир ҳуқуқлар берилиши керак. Кўплаб пенсионерлар меҳнат қилишиб, ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу ҳам яхши. Пенсионер бувилар эса жуда танқис. Уларнинг ёш оилаларга ёрдами—бу катта иш. Бунга ёшлар нима дейишади?

**Овоз:** Ёшлар бунга рози. Ёшлар тўғрисидаги, тинчлик тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлик учун Сизга раҳмат, Михаил Сергеевич.

Шу куни М. С. Горбачев Изобильное район агросаноат бирлашмасининг «Изобильненский» қорамолларни сўқимга боқиш хўжаликлараро комплексининг чорвадорлари билан учрашди. Тез орада гап энг муҳим вазифа — КПСС XXVII съезди қарорларини рўёбга чиқариш тўғрисида, қишловга тайёргарлик, озуқа базасини ривожлантириш резервлари ва, албатта, меҳнат ҳамда турмуш шароитлари ҳақида борди.

**М. С. Горбачев:** Биласизми, бир вақтлар маҳаллий раҳбарларни роса қийнаган комплексни таний олмаяпман. **(Жонланиш).** Ҳозир эса комплекс — бутун бир замонавий чорвачилик шаҳарчасидир. Илгари бу ерда ишлаш учун ноқулай томонлар кўп эди, кўп нарсаларни реконструкция қилиш керак эди.

**Овоз:** Реконструкция бизга қўл келди...

**Овоз:** Михаил Сергеевич, кеча телевидение орқали Сизнинг нутқингизни диққат-эътибор билан тингладик. Бу нутқда ҳар биримиз учун, бутун жамият учун муҳим бўлган проблемалар ўртага қўйилган. Бизнинг меҳнатимиз ўзгармоқда.

**М. С. Горбачев:** Тўғри гап бу. Хўш, об-ҳаво қалай? Тинкани қуритаётгандира?

**Овозлар:** Бу йил айниқса қурғоқчилик қаттиқ бўлди. Ёмғир ёғмаганига уч ойча бўлиб қолгандир.

**М. С. Горбачев:** Қаранг-а, шунга қарамай, ҳосил олишибди-я. Ақллироқ бўлиб қолдикми.

**Овозлар:** Технология кучаяпти. Бригада пудрати қўл келяпти.

**М. С. Горбачев:** Бригада пудрати ўрнашиб кетдими?

**Овозлар:** Ҳа, ўрнашиб кетди. Оператордан директоргача бригада пудрати билан ишламоқда. Якка-ёлғиз ишлагандан кўплашиб ишлаш яхшироқ унум беради. Пудрат иш ҳақини белгилаб қўйгани, уни коллективнинг ўзи маромига келтириб турадиган бўлгани катта иш бўлди. Ишга ёмон қараган киши ҳақни ҳам оз олади.

**М. С. Горбачев:** Шуларни ўзингиз қиляпсизми?

**Овозлар:** Ўзимиз.

**М. С. Горбачев:** Халқимиз ўзини ўзи бошқаришга, айниқса бригада, звено, комплексни бошқаришга етилди. Йиғилишиб раҳбарлар билан бирга муҳокама қилишаверишсин. Булар — кабинетда ўтириб битириладиган ишлар эмас. Халқ қандай ҳал этса — энг тўғри демократия бўлади. Сиз тўғри гапни айтдингиз, коллектив бўлиб ишлаш ҳамиша осонроқ бўлади. Чунки кимнинг қандай ишлаётгани кўриниб туради. Ўшанда биз ишлаяпмиз, ҳаракат қиляпмиз, билимларимизни, куч-қувватларимизни сарфлаяпмиз-у, хўш, сен нега дошқозонга шерик бўляпсан, деган савол туғилади, сенга меҳнатда қатнашув коэффициентини қўллаймиз, деймиз.

**Овоз:** Бизда интизомни бузиш йўқолиб кетди, деса бўлади.

Шуни айтиб қўяйликки, Ставрополь ўлкасида эришган ютуқлари гўшт чорвачилигини интенсивлашда намуна бўлиб хизмат қилувчи чорвачилик коллективлари оз эмас. Аммо яқин вақтларгача «Изобильненский» қолоқлар сафида эди. Унинг раҳбарлари ва мутахассислари хўжаликлараро кооперацияларнинг афзалликларидан тўла фойдаланмасдилар. Хуллас, фан-техника тараққиёти комплексдан четда қолиб кетганди.

Мана энди ишлар бирдан юришиб кетди: ишлаб чиқариш зарар келтирмайдиган бўлиб қолди, давлатга мол гўшти сотишдан тушадиган ўртача йиллик соф фойда миллион сўмдан ошиб кетди.

**М. С. Горбачев:** Айтингчи, ҳамма уй-жой билан таъминланганми?

**Овоз:** Ҳозирча йўқ. Лекин катта ишлар қиляпмиз.

**М. С. Горбачев:** Сизлар асосан станицада яшайсизлар.

**Овозлар:** Станицада ва Изобильное райони марказида.

**Н. З. Бойқулов** (совхоз директори): Михаил Сергеевич, ҳозир Изобильноеда саккиз квартирали уй қуряпмиз, шу йил у битказиб топширилади. Яна битта уй пойдеворини қўйдик, деворлари учинчи қаватгача кўтарилди.

**М. С. Горбачев:** Нима учун Изобильноеда, қишлоқдан нарида? Уйлар қишлоқнинг ўзида қурилса чакки бўлмасди.

**Н. З. Бойқулов:** Биз буни назарда тутдик. Бизга Новотроицкая станицасидан ер беришди, ўша ерда қуряпмиз, ҳар бир уй эгасининг қўраси, сигири, чўчқа болалари бўладиган қилиб қуряпмиз...

**М. С. Горбачев:** Ҳаммаси кўнгилдагидек. Барча қулайликлар билан замонавий уй, ҳовли, боғ, полиз бўлиши керак. Шаҳарликлар бирон нарса экиш учун бир парча бўлса-да ер беринг, дейишади. Ҳаммани ер қизиқтириб қолди. Тўғри гап! Катта шаҳарларда бу, айниқса сезилади. Одамлар тиқилинч-тўполондан қочиб ўзларини ерга, полизга, боққа урияпти. Хўш, шундай экан, нима учун қишлоқ аҳолисини қаватма-қават уйларга чиқариш керак?

**Овоз:** Кўп қаватли уйда яшаш қулай эмас.

**М. С. Горбачев:** Аҳвол шундай кетаверса, тез орада ёшларнинг сигирни фақат китобдан биладиганлари чиқиб қолар?

**Овоз:** Бунақаси бизда йўқ. Кўп одамлар сигирли. Ёшлар қишлоқда қолишяпти.

**М. С. Горбачев:** Жуда яхши гап.

Сўнгра М. С. Горбачев КПСС Изобильное район комитетининг биринчи секретари В. П. Бондаревга мурожаат этди: Изобильное районининг хусусий секторида қанча сигир бор?

**В. П. Бондарев:** 3 мингта. Беш йилликка нисбатан кўпайган. Ҳозир тўртта ҳовлига битта сигир тўғри келади.

**М. С. Горбачев:** Озроқ... Кубанда тимошевликлар магазинда ёғ йўқ, деб шикоят қилиб қолишди. Қишлоқ аҳолиси шундай деб ўтирса-я! Қани, қўлингизни кўтаринг-чи, кимда сигир бор, деб сўрадим. Шунда 5—7 киши қўл кўтарди. Хўш, бу ерда қанча сигир бор? Кўпроқдир?

**Овоз:** Изобильное шаҳрида ҳам сигир боқишади.

**М. С. Горбачев:** Яна қандай саволларингиз, истакларингиз бор?

**Овоз:** Космосгача чиқиб бордигу, аммо кексаликка қарши курашнинг эпини қилолмаяпмиз. **(Жонланиш, кулги).**

**М. С. Горбачев:** Маиший турмуш янада соғлом, меҳнат шароитлари яхши, техника дурустроқ бўлса, ўшанда одам ўзини унчалик қийнамайди. Бинобарин, ўзини яхшироқ ҳис этади. Умри ҳам узаяди, ҳаёти активроқ бўлиб қолади.

Куннинг иккинчи ярмида М. С. Горбачев Ставрополда ўлка партия активлари билан учрашди.

**А. БЕЛИКОВ,**
**Н. СТЯЖКИН,**
**ТАСС махсус мухбирлари.**

# ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети районлар, совхозлар, колхозлар ўртасида мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1986 йил 1 сентябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди.

**Бўстонлиқ районига.** Бу район давлатга сабзавот сотиш йиллик планини 41,7 процент, картошка планини 67 процент, ҳўл мева сотиш планини 59 процент бажарди, август ойида сабзавот бўйича планга нисбатан 24 процент, картошка бўйича 28,1 процент, мева бўйича 38,2 процент ўсишни таъмин этди.

**Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозига.** Бу колхоз давлатга сабзавот сотиш йиллик планини 74 процент, картошка планини 135 процент, мева планини 38 процент, узум планини 10 процент бажарди. Август ойида планга нисбатан сабзавот бўйича 28 процент, картошка бўйича 20 процент, мева бўйича 15 процент, узум бўйича 10 процент ўсиш таъмин этилди.

**Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозига.** Бу совхоз давлатга сабзавот сотиш йиллик планини 52,3 процент, картошка бўйича 99 процент, мева бўйича 110 процент, узум бўйича 40 процент бажарди, август ойида планга нисбатан сабзавот топширишда 24 процент, картошка топширишда 92 процент, мева топширишда 16 процент, узум топширишда 40 процент ўсишни таъмин этди.

Кўчма Қизил байроқни топшириш билан бир йўла районга 500 сўм, колхоз ва совхозларга 300 сўм пул мусобақа илғорларини мукофотлаш учун берилади.

Оққўрғон, Ғалаба, Калинин, Янгийўл районлари, Оржоникидзе районидаги «Қибрай», Тошкент районидаги «Тошкент», Паркент районидаги «Бўстон» совхозлари, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли, Тошкент районидаги Навоий ва Собир Раҳимов, К. Маркс номли колхозлар, Калинин районидаги «Партия XX съезди», «Москва» колхозларининг сабзавот, картошка, мева ва узум сотишда яхши натижаларга эришганликлари қайд қилиб ўтилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун районга ва хўжаликларга биттадан енгил автомашинанинг талаб катта бўлган маркасидан ажратиш топширилди.

# ҚАЙТА ҚУРИШНИ АКТИВРОҚ ОЛИБ БОРАЙЛИК

НУКУС, 20 сентябрь. (ЎзТАГ). Партия халқ хўжалигини тубдан қайта қура бошлаганлиги, экономиканинг ҳамма тармоқларини ривожлантиришни жадаллаштириш вазифалари ишчилар ва деҳқонларнинг ташаббускорлик ва зўр ғайрат билан меҳнат қилишларини тақозо этади. Мана шу масъулиятли даврда иш суръатини ошириш, етилган муаммоларни дадилроқ ва оператив ҳал этиш — ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнаткашнинг бурчидир. Бугун бу ерда бўлиб ўтган кенгашда худди ана шулар таъкидланди. Кенгашда ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили халқ хўжалик планлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми талаблари асосида танқидий таҳлил этилди. Кенгашда автоном республика шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, район агросаноат бирлашмаларининг, бир қанча ташкилотларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов очди.

Сўзга чиққан нотиқлар Қорақалпоғистоннинг меҳнат коллективларида иқтисодий ва социал тараққиётни жадаллаштириш, тартиб ва интизомни қатъий мустаҳкамлаш, топширилган иш учун кишиларнинг масъулиятини ошириш йўлида етарли куч-ғайрат сарфланмаётганлигини таъкидладилар.

Кенгаш қатнашчилари қишлоқ хўжалигидаги аҳволни муҳокама қилиб, сув танқислигига қарамай, автоном республика далаларида пахта, шоли, бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан давлат топшириқларини муваффақиятли бажаришга имкон берадиган даражада яхши ҳосил етиштирилганлигини айтиб ўтдилар. Ҳозирги вақтда асосий вазифа — бу ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш, унинг нобуд бўлишига йўл қўймасликдан иборат.

Кенгаш қатнашчилари агросаноат ишига принципиал, партиявий позициядан туриб баҳо бериб, диққат-эътиборни бошланғич партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари, колхоз ва совхозлар раҳбарлари фаолиятида кўп камчиликлар ва нуқсонлар борлигига қаратдилар. Ленинобод, Қораўзак, Хўжайли районлари хўжаликларида йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўрилмади. Бу районларда пахта териш машиналарининг 22—27 проценти ҳали далага чиқишга тайёр эмас. Дефолиация суръатларининг сустлиги машина теримини бошлаб юборишга тўсқинлик қилмоқда. Ленинобод, Амударё, Элликқалъа районларида дефолиация ишлари чўзилиб кетмоқда.

Кенгашда дефолиацияни қисқа муддатда тугаллаб, барча пахта териш машиналаридан юксак унум билан фойдаланишни таъминлаш, ҳосилнинг нобуд бўлиш йўлларига ғов солиш зарурлиги таъкидланди. Ҳамма колхозчилар, совхозларнинг барча ишчилари мажбуриятларни бажариш учун курашга жалб этилиши лозим. Фақат шу йўл билангина йиғим-терим суръатини жадаллаштириш мумкин.

Шоликорлар олдида ҳам катта вазифалар турибди. Улар ўримни бошлаб юбордилар. Лекин ўрим суръати жуда суст. Фақат 10 процент майдондаги шоли ўриб олинди, дон ўрим-йиғимида техникадан, одам ресурсларидан яхши фойдаланилмаяпти, машиналарнинг икки сменада ишлатилиши учун механизаторлар етишмаяпти. «Каракалпакцелинрис» тресги раҳбарлари, партия ва совет органлари аҳволни ўнглаб олиш учун шошилинч чоралар кўришлари зарур.

Деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Боғ ва токзорлар барпо этиш, картошка экиш планлари бажарилмади. Мева ва сабзавот тайёрлаш ўтган йилдагига нисбатан анча орқада қолмоқда, бироқ автоном республика агросаноат комитетидагилар юз берган аҳволга кўникиб қолганга ўхшайдилар.

Чорвачиликни ривожлантиришда ҳам силжиш кам. Чорва молларини семиртириш ва боқишнинг интенсив технологияси ҳануз жорий этилмаган. Моллар тез семиртирилмаяпти. Наслчилик ишлари ва подаларни кўпайтириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кўп сигирлар қисир қоляпти, қорамоллар подасида сигирларнинг сони жуда кам. Сигирлардан сут соғиб олиш кўпайиш ўрнига камайиб кетди. Нукус бройлер фабрикаси қолоқликдан ҳали ҳам чиқа олмади. Шу йилнинг саккиз ойида бу фабрика 450 тонна кам гўшт берди.

Ем-хашак етиштиришни ривожлантириш юзасидан ҳали кўп иш қилиш керак. Дон ва силос учун маккажўхорини ўриб олиш, пичан ўриш ишлари чўзилиб кетди, озуқа экинлари майдонининг самараси кам. Иш манфаатлари ем-хашак етиштиришда тартиб ўрнатишни тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш — агросаноатнинг бош вазифасидир. Уни ҳал этиш учун эски, сийқа усуллардан ва ёндашувлардан, эскириб кетган бир қолипдаги ишлардан воз кечиш, резервлар ва имкониятлардан ижодий фойдаланиш, интенсив технологияни, барча янги, илғор усулларни жорий этиб, инсон омилини, омманинг ғайрати ва ташаббусини тўлароқ ишга солиш керак.

Кенгашда Қорақалпоғистон АССР саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ишлари таҳлил этилди. Баъзи ижобий силжишларга қарамай, саноатда маҳсулот реализация қилиш ва ишлаб чиқариш планларини, шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш топшириқларини бажармаётган корхоналар кўп. Бир қатор корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан ёмон фойдаланилмоқда. Уй-жойлар, асосий фондларни фойдаланишга топширишда қолоқликка йўл қўйган қурувчилар катта қарздор бўлиб қолдилар. Жойларда меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш ишларини кучайтириш ҳам муҳимдир.

Партия ва совет органлари, хўжалик раҳбарлари экономикага раҳбарликни яхшилашлари, кадрлар малакасини ошириб, уларга янгича ишлашни ўргатишлари зарур. Беш йилликнинг дастлабки йили барча техника, иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунланиши учун таъсирчан чораларни кўриш, бу ишга меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини сафарбар этиш керак.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

